



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 20 yil " 2702

№ 45

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 12 август кунни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 32-сонли ва 2019 йил 15 ноябрь кунни ўтказилган 50-сонли йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 12 август кунни ўтказилган 2019 йил экспорт прогноз кўрсаткичлари ва Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда республикада маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисидаги видеоселектор йиғилишининг 32-сонли ва 2019 йил 15 ноябрь кунни ўтказилган Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш ҳамда аҳолини дори воситалари билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар тўғрисидаги йиғилишининг 50-сонли баёнлари ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

Хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг дори воситаларини давлат рўйхатдан ўтказиш аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳномани бериш, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш учун хизматлар прејскуранти 1-иловага мувофиқ;

Хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг тиббий техника ва тиббий буюмларини давлат рўйхатидан ўтказиш аризасини кўриб чиқиш ва гувоҳномани бериш, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш учун хизматлар прејскуранти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

000418

2. Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 668-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 213-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори С.Кариев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Шадманов